

ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС



"Қариси бор уйнинг париси бор", дейишади доно халқимиз. Бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган кексаларнинг ҳар бир ўгити, ёшлар учун ибрат мактаби саналади.

Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Қумқўрғон туманида кекса нуронийларга ғамхўрлик кўрсатишдек, хайрли ишлар давом этмоқда.

Маҳаллаларда ёши улўф инсонлар ҳолидан хабар олиниб, улар билан дилдан суҳбатлашилмоқда.